



ОҒИЗБИРЧИЛИГИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК МУҲИТИНИ САҚЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни Нукус шаҳрига ташриф буюрди.

Маълумки, аини кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ислоҳ қилиш бўйича муҳокамалар жараёни кетмоқда. Аслида, амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Шунга қарамай, Президентимиз бу борадаги қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этди.

Лекин айрим жойларда масаланинг моҳиятини талқин қилишда тушунмовчилик ҳолатлари ҳам учради. Жумладан, лойиҳада кўзда тутилган Қорақалпоғистон Республикасига оид айрим нормаларга бир гуруҳ шахслар томонидан норозилик билдирилди. Бунинг оқибатида 1 июль куни Нукус шаҳрининг марказий қўчаларига намойишлар уюштирилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларини ноқонуний эгаллашга уриниш ҳаракатлари содир этилди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрига етиб келиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев конституциявий ислохотлар Ватанимизнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган масала экани, муҳокамаларда кўп миллатли халқимиз кўплаб таклиф ва тавсияларини билдираётганини таъкидлади.

Тартибга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги эълон қилинган қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилади. Фуқаролар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Қонунчилик палатаси томонидан тақомилга етказилади. Кейин эса мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилиб, фуқароларимиз эркин овоз бериш орқали ўзларининг бу масала бўйича хоҳиш-иродасини ифода этади. Шундан кейингина Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонуний тусга қиради.

— Янгиланаётган Конституциямизни тақомилга етказиш учун қанча вақт ва муддат керак бўлса,

бу жараён шунча давом этади. Бу борада фақат халқимиз билан бамаслаҳат иш олиб борамиз, — деди Президент.

Халқимиз ҳукмига ҳавола этилган мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси ҳали қабул қилинмаган, умумхалқ муҳокамасига қўйилган, холос. Шу боис, давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг ўзига хос этник, маданий хусусиятлари, миллий урф-одат ва қадриятлари, алоҳида ҳуқуқий мақомини эътиборга олиб, лойиҳадаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақомига оид нормаларни ўзгартиришсиз қолдириш зарурлигини таъкидлади. Яъни Конституциянинг 70-, 71-, 72-, 74-, 75-моддалари ўзгаришсиз қолдирилади.

— Такрор айтаман: ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги қардошлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, оғизбирчилигимизни асраб-авайлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик муҳитини сақлаш — барчамизнинг бурчимиздир. Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади ҳам айнан мана шундан иборат. Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистонни албатта биргаликда курамиз, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиздаги барча ислохотлар, муҳокамалар, ҳеч шубҳасиз, демократия ва ҳуқуқий меzonлар асосида амалга оширилиши қайд этилди.

Айни вақтда тинчлик ва осийишлати, жамоат хавфсизлигини бузишга уринаётган ҳар қандай шахсларга нисбатан қонун доирасида қатъий чоралар кўрилиши, “Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган қоидали амалда таъминлаш учун куч ва имкониятлар етарли экани таъкидланди.

Президент барча юртдошларимизни ҳамжихатлик ва бирдамликка, оқилона иш кўришга, турли ғаразли чакириқ ва ҳаракатларга берилмасликка даъват этди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, халқимизнинг оғизбирчилигини кўллаб-қувватлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 19-банди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 5-7-моддаларига мувофиқ;

1. Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида **2022 йил 3 июль куни соат 00:01 дан 2022 йил 2 август куни соат 00:00 га** қадар бўлган даврда **фавқулодда ҳолат** жорий этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат амал қилиши даврида **соат 21:00 дан соат 07:00 га** қадар **комендантлик соати** жорий этилсин.

3. Фавқулодда ҳолат амал қилиши даврида **Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг комендатураси** ташкил этилсин ва унга Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунинда назарда тутилган барча ваколатлар берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўмондони **Рустам Мирзаевич Джураев** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг **комендант**и этиб тайинлансин.

4. Фавқулодда ҳолат амал қилиши даврида қуйдаги **чоралар ва вақтинчалик чекловлар** ўрнатилсин:

а) жамоат тартибини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи инфратузилма объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилсин;

б) Қорақалпоғистон Республикасида ҳаракатланиш эркинлиги, шу жумладан, транспорт воситалари учун чеклансин;

в) жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилиши, уларнинг шахсий кўрикдан ўтказилиши, улардаги ашёлар ва транспорт воситалари кўздан кеңирилиши таъминлансин;

г) Қорақалпоғистон Республикасига кириш ҳамда ундан чиқиш чеклансин;

д) тинч йиғилишлар, кўнгилочар, спорт ва бошқа оммавий тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилиши тақиқлансин;

е) юридик шахслар фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатишга қаратилган иш ташлашлар ва бошқа ҳар қандай ҳаракатлар тақиқлансин;

ж) қуrol, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, махсус воситалар, заҳарли моддалар сотилиши тақиқлансин, шунингдек, дори ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ҳамда этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари муомаласининг алоҳида тартиби жорий этилсин;

з) жисмоний шахслардан қуrol ва ўқ-дорилар, заҳарли моддалар, юридик шахслардан эса қуrol, ўқ-дорилар ва заҳарли моддалар билан бир қаторда ҳарбий ва ўқув-ҳарбий техника, портловчи ва радиоактив моддаларнинг вақтинчалик олиб қўйилиши таъминлансин.

5. Фавқулодда ҳолат режими шароитида қўлланиладиган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъул этиб Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди комендатураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг кучлари ва воситалари белгилансин.

6. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги учун аниқ таҳдид, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ҳужум қилиш, уларнинг қуrol ва техникасини эгаллаб олиш ҳолатларини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 23-моддасига мувофиқ қуйдаги вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кучлари ва воситалари қўшимча равишда жалб этилсин:

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудга кириш ва ундан чиқишнинг алоҳида режими таъминлаш;

аҳолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъминловчи объектларни ҳамда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиги, шунингдек, атроф-муҳит учун юқори хавф туғдирадиган объектларни муҳофаза қилиш;

қуrol, жанговар ва махсус техника қўлланилган ҳолда зўравонлик ҳаракатлари билан бирга юз берадиган тўқнашуларда иштирок этаётган қарама-қарши курашаётган тарафларни ажратиш;

қонунга хилоф қуrolли тузилмалар фаолиятига чек қўйишда иштирок этиш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг кучлари таркибида фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда, шунингдек, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишда иштирок этиш.

7. Комендант Р.М.Джураев манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунни талабларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев ушбу Фармон билан ўрнатилган чоралар ва вақтинчалик чекловларнинг амалга оширилишида қонунийликка риоя этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ва бошқа давлат манбаларидан фавқулодда ҳолат режими таъминлаш учун зарур маблағларни ажратсин.

10. Мазкур Фармон 2022 йил 3 июль куни соат 00:01 дан эътиборан кучга қиради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

11. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қ Ў Ш М А Қ А Р О Р И ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига ва “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 8-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Спикери
Н.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси
Т. НОРБОЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 июль

ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛИГА

Устюрт кенгликларидан водий боғларигача
Қорақалпоқ, сен билан бир азиз ермиз, жигар.
Нохос тебраниб қўйди Ватан боғлари кеча,
Ахир гул-япроғи бир, битта томирмиз, жигар.

Сенинг оқ ўтовларинг менинг қалбим сингари,
Сенинг Қоражонларинг менинг Алпим сингари,
Сенинг қадринг улўғдир менинг қадрим сингари,
Оролингга интилган Амумиз, Сирмиз, жигар.

Сен билан мен дарс олган китоблар чанг босмасин,
Деворга илуғлик тор-қўбизлар занг босмасин,
Шодон суҳбатимизни эзгин оҳанг босмасин,
Бирда Навоий, бирда Бердак шоирмиз, жигар.

Орзуси, эртаси бир, тақдири бир Ватанмиз,
Ёруғ кунлар йўлида тадбири бир Ватанмиз,
Дунё харитасида тасвири бир Ватанмиз,
Қорақалпоқ, сен билан мангуга бирмиз, жигар.

Носиржон ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

“...юртимизда яшаётган ҳар бир фуқароннинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚЧИЛ ВА ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ

Бугун халқимиз янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс йўлида собит, илдам ва баҳамжиҳат бораётгани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди, келгуси марралар сари янада руҳлантиради ва янгидан-янги куч-ғайрат ато этади. Агар мендан “Халқчил ва инсонпарвар давлатнинг асосий белгиси нима?” деб сўраса, ҳеч иккиланмай, “**Амалда адолат ҳукмронлиги — халқчил ва инсонпарвар давлатнинг энг муҳим мезони**”, деб жавоб берган бўлардим. Чунки адолат ҳукмрон юрtda ҳақиқат тантанаси, қонун устуворлиги, тинчлик, ижтимоий тенглик, бунёдкорлик ва тараққиёт амалда барқарор, одамлар ўз ҳаётидан рози бўлади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мана шундай фаровон давлат буюк аҳдодларимизнинг азалий орзуси, бу йўлдаги эзгулик курашчиларининг бош мақ-

сади бўлганини, бунда адолат ва одил ҳукмдор масалалари энг олий ўринда турганини кўрамиз.

Биргина Амир Темуr бобомизнинг “**Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳингиз ва дастурингиз бўлсин**”, деган пурҳикмат тузуқлари орқали куч-қудрат фақат адолат ва ҳамжихатликда экани, давлат ишларида ҳамиша адолат устун бўлиши, фидойи инсон ва одил ҳукмдор эса бутун умr эл-юрт ташвиши билан яшаши ва буни амалда кўрсатиши кераклиги ҳақида ўз замондошларига ва авлодларга уқтирган эзгу ғоялари ҳали-ҳамон давлат арбоблари, сиёсатчи-таҳлилчилар, ҳуқуқшунослар, бир сўз билан айтганда, дунё ҳамжамияти томонидан дастуриламал сифатида ўрганилмоқда.



Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz_uz_news

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БОШ ҚОНУН — ЯНГИ ЗАМОН
РУҲИНИНГ ИНЪИКОСИ

Мансур БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси кафедра мудир

Конституциявий ислохотларни амалга ошириш зарурати мамлакатимизда мохиятан янги давлат ва янги жамият шакллантирилишидан иборат катта мақсадимиз мантиғи билан изоҳланади. “Янги Ўзбекистон” атамаси билан баравж бунёд этилаётган давлат, аввало, мамлакатдаги инсонлар ва жамоаларга нисбатан меҳрли муносабатни устувор сиёсат даражасига кўтариши билан эътиборли.



Дарҳақиқат, ўтган олти йил мобайнида ватанимизда халқчил, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмайдиган, фуқароларнинг барча табақалари вакиллари, хусусан, ёшларнинг иқтидори ва имкониятларини тўла рўёбга чиқарадиган давлатнинг мустақкам пойдевори барпо этилди. Бу янги давлат ўзининг маърифатпарвар, халқпарвар хусусияти, инсон қадрини устувор сиёсатга айлантиргани, ҳаммани ва ҳар бир инсонни бахтли, саodatли, бадавлат, теран билимли ва фаровон қилиш мақсадлари билан халқимиз ва дунё жамоатчилиги диққатини тортмоқда.

Замонанинг тезкор суръати

Маълумки, конституция мамлакат руҳи, менталитети, мақсадлари ва интилишларини ифода этувчи асосий ҳужжат сифатида эътироф этилади. Конституция мамлакатнинг нафақат бугунги ҳаёти мазмунини, балки халқнинг эртанги куни, яқин ва узоқ истиқболда белгиланган катта, стратегик мақсадларини ҳам ўзида ифодалашни зарур.

Мамлакатимиз бугун ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-интеллектуал ривожланиш даврига кирдики, амалга оширилаётган ислохотлар қўламини ва бунёдкорлик ҳаракати бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар, бошқа даре-ктив ҳужжатлар ўз маъносига қўра, мохиятан бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган Конституция ва қонунлар мазмунини доирасига амалда сийма қолди.

Энг аввало, янги Ўзбекистоннинг стратегик йўли, тараққиёт методологияси ўзгарди. Бундан 6 йил илгари амалда бўлган тараққиёт моделидаги икки муҳим йўналиш, яъни ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш суръатларини эволюцион тарзда, босқичма-босқич олиб бориш ҳамда барча тараққиёт ташаббусларини “давлат бош ислохотчи” позициясидан туриб амалга ошириш услубидан воз кечилди. Уларнинг ўрнига тараққиётни илм-фан ва инновацион технологияларни қўллаган ҳолда, баравж, катта шиддат билан амалга оширувчи ёндашув ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида “**Жамият — ислохотлар ташаббускори**” деган тамомила янги тамойил ҳаётимизга кириб келди.

Миллатнинг буюк мақсадлари

Гарчи Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган йиллар мобайнида Бош қонунимиз матнига ўнлаб ўзгартириш ва тузатишлар киритилган бўлса-да, ҳаётимизнинг янги мазмунини ҳам сўнгги йилларда қабул қилинган

Ҳар бир инсон эътиборда

Тараққиёт стратегияси вази-фалари бажариллиши, Президентимизнинг доимий эътибори билан мамлакатимизда аҳоли ҳаёти тубдан яхшиланди.

Одамлар ватанимизда кечаётган ислохотлар натижалари ва ижобий ўзгаришларни ўз ҳаёти, кундалик турмушида ҳис эта бошлади.

Камбағаллиқни қисқартириш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Яқин 5 йилда камбағаллиқни икки баробарга қисқартириш стратегияси белгиланди. Шу пайтгача Ўзбекистонда давлат томонидан эҳтиёжманд оила ва одамларга кўрсатиб келинган ёрдамларнинг шакли ҳам, миқдори ҳам ислохот этилди. Энг муҳими, унинг халққаро инклюзив ташкилотлар томонидан танқид қилиб келинган субсидиар мохияти ҳам тубдан ўзгарди. Ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали инсонни интеллектуал, малакавий ривожлантиришни кўзда тутувчи, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган шакл, яъни ҳар бир одамнинг ўз қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш тажрибаси қўллана бошланди. Бундай ислохот натижасида, аввалги даврлардаги ёндашув, яъни инсонга моддий ёрдам тарзида бериладиган маблағларнинг аҳолини боқимандаликка ўргатиб қўювчи амалиётга барҳам берилди.

Одамларга моддий-молиявий кўмак бериш орқали уни амалда оёққа турғани, маънавий-интеллектуал жиҳатдан қучайтириш негизда инсонни тубдан ўзгартириш, касбий ёки маърифий ривожлантиришга эришиш, шундай ёндашув орқали реал ҳолатни тамоман яхшилаш йўлига ўтилди.

Вертикал тизим ислоҳоти

Фуқароларни доимий даромад манбаига эга қилиш, “Ҳар бир оила — тадбиркор” шiori остида тадбиркорлиқни кенг ёйиш, қишлоқдаги ишсиз ёшларга узоқ муддатга ер ажратиб бериш ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Айниқса, давлат бошқаруви вертикал тизими маҳаллагача туширилиб, бевосита ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли шати халқимизни орқали амалга оширилиши билан инсоннинг

розилигини ва шўқроналигини кескин оширди. Шу йилнинг ўтган даврида давлат идоралари ва маҳаллаларнинг ички имкониятларини уйғунлашган ҳолда ишга туширишдан иборат кенг қўламли ва оқилона ислохотлар натижасида 736 минг ишсиз фуқаронинг кафолатли иш, доимий даромад манбаларига эга бўлгани мисли қўрилмаган даражадаги воқеа бўлди.

Ижтимоий давлат ва касби комиллик нисбати

Кейинги 5-6 йил давомида амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар бутун борлигича инсон қадрини юксалтиришга қаратилгани мамлакатимизда “де факто” том маънодаги ижтимоий давлатнинг катта ишонч билан барпо этилаётганини асослайди. Зеро, ижтимоий давлат инсонни муҳофазаловчи ва улуғловчи ижтимоий сиёсат негизда бунёд этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорлар эса, мохият эътиборига қўра, ижтимоий давлатнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонда инсон омилини ҳар тарафлама фаоллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар инсон капиталини дунё талаблари даражасида шакллантириш мақсадларини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Президентимиз мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлаш, маънавий-интеллектуал юксалиш ва камбағаллиқни икки баробар қисқартириш, пировардида ундан тамомла фориғ бўлиш мақсадларини айна инсон капиталини ривожлантириш билан боғлади. Дарҳақиқат, қучуқ билим, юксак маънавий-интеллектуал салоҳият соҳиблари, турли касб-хўнар эгалари, ишнинг қўзини билувчи миришкор деҳқон ва чорвадорлар, омилкорлик билан иш тутадиган тадбиркор, хўнаранд, турли хизмат соҳаси ходимлари, ишбилармон саноатчилар, олимлар, моҳир педагоглардан ҳеч қачон ишсиз ёки камбағал чиқмайди.

Беш муҳим ташаббус — ҳаракатлантирувчи куч

Инсон капитали халқимизни эҳтиёжмандлик занжиридан тамоман халос этиш билан бирга, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишини ҳам кафолатлайди. Шу боис, Президентимиз мамлакатимизда инсон капитали билан қуролланмаган бирорта ҳам фуқаро қолмаслиги учун ҳаракат қилмоқда. Айна шу мақсаднинг амалий рўёби таълим тизимининг барча босқичларида беш муҳим ташаббус кенг жорий этилиши ва унинг доирасига мамлакатимизнинг барча ёшлари қамраб олинганида намоён бўлади.

Беш муҳим ташаббус бир томондан барча ёшларни интеллектуал бадий-эстетик ва жисмоний такомиллаштириш жараёнига қамраб олса, иккинчи томондан узлуқсиз таълим йўналишлари доирасида олинган билимларни муас-саса ва ҳудуднинг ўзида реал амалиётга айлантириб, ўқувчиларда дастлабки тажриба ва кўника орттиришга шароит яратса, учинчи томондан, ёшларнинг



“Бугун янги Ўзбекистон фуқаролари миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида узлуқсиз маънавий юксалишга, ватанимиз сиёсатига содиқликни ҳамда ватанпарварликни намоиш этишга тайёр авлод сифатида дунё ҳамжамияти даврасидан муносиб ўрин олмоқда. Зеро, ҳозирги дунё тараққиёти, тез ўзгариб, янгиланиб бораётган давр руҳи жадаллик ва шиддаткорлик ҳамда юксак касбий ва интеллектуал етуқликни талаб этади.

умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган позитив позицияларда мустақкамлаштириш, жамоатчилик қўз ўнгига ижтимоийлашуви, турли-туман ёт го-ялардан муҳофазаланиш ҳамда мустақкам маънавий ва мафқуравий имунитетга эга бўлиш имкониятини ҳам яратади.

Айна шу катта инновацион мақсад, яъни инсон капиталини ҳар тарафлама ривожлантириш орқали умумжа-мийат юксалишга эришишдан иборат янги умуммиллий ижтимоий ҳаракат жараёнлари амалдаги Ўзбекистон Кон-ституцияси мазмунидан акс этмагани ҳам Бош қонунимиз мазмунини жиҳдий қайта қўриб чиқишни кун тартибига қўяди.

Конституция миллат руҳини ифодалайди

Янги Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг ижтимоий зарурати амалдаги Конституциямиз матнида халқимиз маънавияти, мақсадлари ёрқин ифода этилмагани, ўзбек халқининг меҳмондўст ва барикенг феъл-атвори, инсонпарвар табиати негизда мамла-катимизда яшаб турган турли миллат ва элатларнинг эркин яшаши ва фао-лият юритишини кафолатловчи мазмун тўлиқ ва равшан бўлмагани билан ҳам изоҳланади. Шунингдек, бугунги замон-нинг шиддаткор руҳини ифодаловчи атамалар ишлатилмаган.

Дунё минг йиллар мобайнида икки куч, икки бир-бирига зид маданият, яъни куч ва тинчлик маданияти ўрта-сидида муросасиз қурашлар доираси-да яшаб келгани. Ўзбекистон давлати уруш, зўрлик ва куч маданиятини қора-лайди, дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик ва инсонларга яхшилик қилиш мадания-тини ёқлайди. Шу эътиқоднинг ўзиёқ Конституциямизга ўзгартириш киритиш

эҳтиёжини ҳаётий талаб сифатида ол-димизга қўяётган эди.

Янги Ўзбекистон — миллий бирлашганлик тимсоли

Маълумки, ҳар қандай давлат кучи халқнинг маънавий яқдиллиги, ўзаро бирлашганлик даражаси билан белги-ланади. Маънавиятни юқори даражада ривожлантириш ватанпарварлик билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз ало-ҳида таъкидлаганидек, ҳар қандай дав-латдаги маънавий сиёсат негизда бит-та нарсас, яъни ватанпарварлик ётади. Амалдаги бош қонунимизда мана шу тушунчалар қўлланилмаган.

Бугун янги Ўзбекистон фуқаролари миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида узлуқсиз маънавий юксалишга, ватанимиз сиёсатига содиқликни ҳам-да ватанпарварликни намоиш этишга тайёр авлод сифатида дунё ҳамжамия-ти даврасидан муносиб ўрин олмоқда. Зеро, ҳозирги дунё тараққиёти, тез ў-згариб, янгиланиб бораётган давр руҳи жадаллик ва шиддаткорлик ҳамда юк-сак касбий ва интеллектуал етуқликни талаб этади.

Мамлакатимизда миллий тараққиётга эришиш талаблари билан инвестиция, инновацияни қучайтириш, инсон капита-лини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, янги Ўзбекистонда инсон капитали ижтимоий, интеллектуал ва иқтисодий юксалишнинг ҳақиқий драй-верига айланади. Бу мамлакатимизнинг янги Конституцияси мазмунини айна шу устувор жиҳатни янада қучайтириш асосида такомиллаштиришни тақозо этади ва ҳар бир фуқарони ўз фаоли-яти, касби, ҳунари доирасида энг етуқ, энг малакали бўлишга, “касби комиллик” даражасига эришишга масъул ва жа-моатчилик олдида хисобдорлик ҳолати-ни юзага келтиришни ижтимоий зарурат даражасига чиқаради.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ОМБУДСМАНЛАРИ УЧУН
ЯНГИ МАСЛАҲАТЛАШУВ ПЛАТФОРМАСИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги миссияси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Халқаро қамоқхоналар ислохоти ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган “Марказий Осиё давлатлари омбудсманларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ҳамкорлиги” мавзусидаги форумда ҳам ўз аксини топди.

Бу тадбир минтақа омбудсманла-рининг биринчи форумидир. Форум доирасида икки томонлама меморан-думлар имзоланди ҳамда Тошкент дек-ларацияси қабул қилинди.

Форумдан қўзланган мақсад минтақа омбудсманларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини ри-вожлантириш, долзарб масалалар бўй-ича муҳокамалар ташкил қилиш ҳамда бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имконият-ларни бирлаштиришдан иборат.

Унда БМТнинг Ўзбекистондаги вако-латхонаси координатори Роли Астхана

омбудсман давлат органлари, корхо-на, муассаса, ташкилотлар ва мансаб-дор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қонун ҳужжатла-рига риоя этилиши устидан парламен-тазоратини таъминлашда ваколатга эгалиги, барқарор ривожланиш мақсад-ларига эришишда ўрни муҳимлигига эътибор қаратди.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентли-гининг Ўзбекистондаги миссияси ди-ректори Микаэла Мередит Марказий Осиёнинг беш давлати омбудсман-лари минтақада инсон ҳуқуқларини



“ФОРУМДАН ҚЎЗЛАНГАН МАҚСАД МИНТАҚА ОМБУДСМАНЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШ, ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МУҲОКАМАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА БУ ЙЎЛДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШДАН ИБОРАТ.

ҳимоя қилишга қаратилган иккита му-ҳим ҳужжат қабул қилинганини олқиш-лашини билдирди. Имзоланган икки томонлама меморандумлар ҳамда форум якунида қабул қилинган Тош-кент декларацияси Марказий Осиё давлатларида инсон ҳуқуқларини ҳи-моя қилиш, қийноқларнинг олдини олиш чораларини қўриш ва минтақа фуқаролари орасида инсон ҳуқуқла-ри тўғрисида ҳуқуқий хабардорлиқни оширишга ҳисса қўишини қайд этди.

— Инсон ҳуқуқлари ўз-ўзидан таъ-минланиб қолмайди. Бунини омбудсман институтлари амалда кўрсатмоқда, — деди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойи-ҳалари координатори в.б. Ханс-Ульрих Им. — Қолаверса, минтақада тинчлик ва осойиштагликни таъминлашда омбудс-манларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир мамлакат яхши тажрибага эга. Ушбу форумнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъ-минлаш соҳасида кечаётган қучуқ исло-хотлар бошқа давлатлар учун ҳам қизик.

Айни пайтда Ўзбекистонда консти-туциявий ислохотлар жараёни бошланган ва бунда, энг аввало, инсон ҳуқуқлари кафолатланиши, амалга оширилиши ва ҳимояланишига асосий эътибор қар-атилмоқда. Ўз навбатида, омбудсман институти ҳуқуқлари кенгайтирилаётга-ни Ўзбекистоннинг демократик ривож-ланишига хизмат қилади.

— Ўзбекистонда аёллар ва бо-лалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, уларга яратилаётган имконият ва преферен-циялар борасида юрифлаётган дав-лат сиёсатида юқори баҳо бериш мум-кин, — дейди Қозғоситоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Эльвира Азимова. — Бу борадаги Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун на-муна бўлиши керак.

Форумда иштирок этган инсон ҳу-қуқлари бўйича вакиллар амалга оширилаётган ишларнинг мантикий давоми сифатида омбудсманларнинг минтақавий даражадаги ҳамкорлиги-ни мустақкамлашга, Марказий Осиё-да инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ривожланиши ва хал-қаро миқёсда тан олинishiга хизмат қиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий институт яратишни так-лиф қилди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ХАЛҚЧИЛ ВА ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институтини директори,
юридик фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Буюк аллома Алишер Навоий сиёсат адолат асосига қурилсагина давлат мустақамланишини, умумбашарий ғоя бўлмиш инсонпарварлик — бошқалардан фарқловчи жиҳатларидан қатъи назар, инсонни ҳурмат қилиш, унинг бахт-саодатини таъминлаш, ўзгалар бахтиёрлигидан мамнун бўлиш эканини таъкидлайди. Зотан, **“Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғамин”** мисралари ҳам бежиз айтилмаган.

Комил ишонч билан айта оламизки, бугун юртимизда одамларни рози қилиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, кенг қамровли саяё-ҳаракатлар, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар, ҳар бир инсонга кўрсатилаётган алоҳида эътибор замирида улуг бобокалонларимиз зғу ғояларининг амалий ифодаси мўъжасам.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятининг илк куниданоқ халқимиз азалдан юксак қадрлаб, ҳамма нарсадан устун қўйиб келадиган **адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни ўзининг биринчи даражали вазифаси** этиб белгиледи. Шу асосда амалга оширилаётган кенг қамровли саяё-ҳаракатлар мамлакатимизнинг **бу йўлдан оғишмай доимо илгари бораётганини** амалда намоён қилмоқда. Шу нуктаи назардан, **халқчил ва инсонпарвар давлат** — инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалда таъминланган, энг юқоридан то энг қуйиғача барча давлат хизматчиллари халқ учун хизмат қиладиган мамлакатдир.

Хўш, янги Ўзбекистонда халқчил ва инсонпарвар давлатнинг ҳуқуқий асослари мавжудми?

Мамлакатимизда халқчил ва инсонпарвар давлат ғоясининг асосчиси Шавкат Мирзиёев ҳисобланади. Мазкур ғоя дастлаб Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосида 2017—2021 йилларда босиб ўтилган ривожланиш йўлининг моҳияти ва амалий ифодасида намоён бўлган бўлса, 2021 йилдаги сайловолди тadbирлари ҳамда Президентликка сайлов натижасида эса халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва келгуси тараққиёт йўлидаги ягона стратегик мақсадига айланди.

Кейинчалик бу ғоя 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида айнан бoш тамойил сифатида барча устувор йўналишларда ва 100 та мақсад мазмунида ўз ифодасини топти. Даставвал халқчил ва инсонпарвар давлат ҳар бир фаолиятини ўз фуқаролари билан бамаслаҳат, баҳамжиҳат, ошқора ва шаффоф тарзда ташкил этиши ҳамда амалга ошириши ўларoқ, Тараққиёт стратегияси лойиҳаси халқимиз орузмақсадлари ва манфаатлари асосида тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва келиб тушган 17,5 мингдан зиёд тақлиф тахлили асосида янада такомиллаштирилди.

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш — Тараққиёт стратегиясининг биринчи устувор йўналиши этиб белгилангани диққатга сазовор. Мазкур йўналишдаги 12 та мақсад ва 42 та вазифанинг ҳар бири инсон қадрини уғуллашга хизмат қилувчи халқчил ва инсонпарвар давлат барпо этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугун янги Ўзбекистонда халқчил ва инсонпарвар давлат белгиларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қўришимиз мумкин. Фикримизни **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мисолида** давом эттирсак. Бу борадаги ўзгаришларнинг умумий жиҳати шундаки, уларда

кўплаб ваколатларнинг марказдан ҳудудларга ўтказилганига гувоҳ бўламиз. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳақиқий халқ ҳокимиятчилигини қарор топтириш ва фуқаролар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари алоҳида ўринга эга. Юртимизда ҳокимиятнинг вакиллик органлари вазифасини ҳокимлар бошчилик қиладиган вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) Халқ депутатлари кенгашлари амалга оширади. Улар фуқаролар ва давлат манфаатларини кўзлаб фаолият юритади.

Едимизда бор, Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 декабрда Конституциямизнинг 24 йиллиги ҳамда 2016 йил 14 декабрда Президентлик лавозимига қиришиш тантанали маросимларида парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш, жойларда аҳолини йўлнатярадиган муаммолар ва уларнинг муурожаатлари қандай ҳал қилинаётганига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳолини ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини Халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига қиритиш тартибини ва маҳаллий кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказиш тизимини жорий этиш тақлифларини билдирди.

Шу асосда кейинги беш йилда **маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонуний асослари** такомиллаштирилди.

Маҳаллий кенгаш, унинг депутати ва ҳокимларнинг қонуний ваколатлари кенгайди. Бундан ташқари, **маҳаллий кенгаш депутатининг ҳуқуқлари ҳамда сийловчилар ва уни депутатликка номзод қилиб қўрсатган сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари кўлами, депутатлик назорати объектлари** кенгайтирилди.

ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР — ВАКОЛАТЛАРНИ МАРКАЗДАН ҲУДУДЛАРГА ЎТКАЗИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли муаммоларини ҳал қилиш бўйича ролини, тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ундаги раҳбарларнинг ташаббускорлигини ошириш мақсадида қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, мазмунрий-ҳудудий секторлар ташкил этилди, муаммоларни амалий ҳал қилиш бўйича жаҳонда ўхшаши йўқ “Темир дастар”, “Аёллар дастари” ва “Ешлар дастари” йўлга қўйилди. Туман, шаҳар, вилоят ҳокимликларида инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким ўринбосарлари лавозимни жорий қилинди. Ҳудудларда профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ва уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эғаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича ИИБ органларида қўриб чиқишлиш мажбурий бўлган тақдиримомма қиритиш имконияти шакллантирилди.

Кўп қаватли уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқарувчи раиси билан тузилган шартномани берор қилиш тўғрисида тақлиф қиритиш ҳуқуқи берилгани ҳудудларда ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш самарадорлигини оширди. Ўзбекистон тахрибаида биринчи янги йўналиш — **“Обод ва хавфсиз маҳалла”** концепцияси амалга оширилди ва унга қўра, фуқаролар йиғини раиси сайланади, профилактика инспекторлари эса 5 йил муддатга лавозимга тайинланиши белгиланди.

2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи бошқариш органларини молиялаштиришнинг янги тизими жорий этилиб, маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳияти янада ошди. Ҳар бир маҳаллада тadbиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш бўйича **ҳоким ёрдамчиси, аёллар ва ёшлар масалалари** билан алоҳида ва манзилли ишлашни янада жадаллаштириш мақсадида **хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси** лавозимлари ташкил қилинди. Улар зиммаларидаги вазифаларни бажариш билан бир қаторда, ўз функцияларини амалга ошириш доирасида, маҳаллий кенгашлар ва ҳокимларга тегишли ҳудуд ва аҳоли муаммоларини самарали ҳал қилишда ҳам амалий қўмакчи сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу ўринда таъкидлашни истардикки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлигида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида Жамоатчилик-маслаҳат кенгашларини тузиш ва потенциалини ошириш” лойиҳаси доирасида Сирдарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятларининг Ховос, Шўрчи ва Косонсой туманларида Халқ депутатла-



ри кенгашлари ва ҳокимликлар ҳузурида синов тариқасида Жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари ташкил этилди.

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”: ҲУДУДЛАР РИВОЖИГА ҲИССА ҚўШИШ ИМКОНИЯТИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш, бюджет ижроси марказга боғлиқлигини кескин камайтириш жараёнларини чуқурлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини қафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудлар билан боғлиқ амалга оширилган муҳим бюджет ислохотларидан яна бири — **Ташаббусли бюджет** йўлга қўйилди. Бу жараён “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ҳар йили **икки мартаба (февраль, июль ойларида)** ўтказилади. Бу, айниқса, ҳудудлардаги умумманфаатли муаммоларни бевосита фуқароларнинг кўпчилик овози билан ҳал этиш имкониятини яратди. Масалан, бу йил мазкур ҳаражатлар учун туман (шаҳар) бюджетларида **1,5 триллион сўмдан** ортқ маблағ кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйлаб фуқаролар томонидан ташаббус қилинган **69,7 мингта** лойиҳадан жамоат манфаатларига хизмат қилувчи **40,2 мингтаси** овоз бериш жараёнига ўтказилди. Уларнинг **17,3 мингтаси (25 фоиз)** ички йўлларни, **10,1 мингтаси (15 фоиз)** умумтаълим мактабларини, **4,3 мингтаси (6 фоиз)** мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ тadbирларни ташкил этди. 2021 йилда эса фуқаролар томонидан илгари сурилган **41,1 мингта** лойиҳадан **23 мингтаси** келгуси овоз бериш босқичига ўтказилган. Овоз бериш жараёнида **1,1 миллион** фуқаро қатнашиб, юқоридаги тақлифлардан ўзи учун муҳим, деб ҳисоблаган тақлифларга овоз берган.

Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар кенгашлари томонидан овоз бериш натижаларига қўра ғолиб деб топилган **1594 та** лойиҳага Фуқаролар ташаббуси жамағармаларидан **407,1 миллиард** сўм маблағ ажратилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шундан **408 таси** ички йўллар, **367 таси** таълим муассасалари, **131 таси** ичимлик сув, канализация ва сугориш тизимларини қуриш (таъмирлаш) ва **115 таси** қўча чироқлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ОШДИ

Юқорида таъкидлаганнимиздек, кейинги беш йилда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини институциявий, ташкилий жиҳатдан тизимли ривожлантириш, халқ вакиллари фаолиятини доимий такомиллаштириб боришга устувор аҳамият қаратилди. Бу амалда ўзининг ижобий натижасини бериб, давлат бошқарувини ташкил этиш тизимида **“халқ ҳокимиятчилиги”** принциплариға асосланган вакиллик органлари роли ва таъсир доираси ортди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолияти самарадорлиги ошди, улар

Нигоҳ

органларининг ўрни тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Чунончи, биргина 2021 йилда **маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми** прогноз нисбатан **119 фоизга, харажатлар қисми** режага нисбатан **111 фоизга** бажарилди, жорий йилнинг биринчи чорагида эса **даромадлар 114 фоизга** ижро этилиб, **харажатлар қисми 15 минг 532 миллиард сўмни** ташкил этди. Амалга оширилган чора-тadbирлар натижасида 2021 йил давомида маҳаллий бюджетларнинг даромад кўрсаткичи **5724,9 миллиард сўм** ортиғи билан ижро этилди.

Қонунчилик палатаси томонидан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бугун маҳаллий депутатлар қўйи палатанинг қўмита, фракция ва ялпи мажлисларида иштирок этмоқда. Палатага қиритилган қонун лойиҳаларини кўпроқ қўмиталар ва фракцияларда, шу жумладан, маҳаллий депутатлар билан муҳокама қилиш амалиёти кенг тус олиб бормоқда. Бу эса қонун лойиҳаларини ҳар томонлама маромига етказишга шароит яратмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат қарзи тўғрисида”, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”, “Қуриқлаш фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар фикримизга мисол бўла олади.

Шунингдек, бугунги кунда Қонунчилик палатаси депутатларининг электролат билан мулоқоти мунтазамлик касб этиб, улар томонидан ҳар ойнинг охириги ҳафтасида ўз сайлов округларида ўтказилаётган учрашувларда маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам партия-вийлигидан келиб чиқиб, мулоқотларга кенг жалб этилмоқда. Чунончи, шу йилнинг январь-март ойларида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Халқ қабулхоналари ва тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда жами **3958 та** хонадонга ташриф буюрилган, **2442 та** учрашув ўтказилган, уларда **50 мингдан зиёд** фуқаро, шу жумладан, **4,7 мингдан ортқ** тadbиркорлик субъекти вакиллари билан бевосита мулоқот, шунингдек, **8111** фуқаро қабули ташкил этилди.

Сенат томонидан Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларини намунавий регламенти ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги на-

мунавий низоом қонунчиликка қиритилган ўзгаришлар асосида қайта ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари, қотибятлар фаолиятини самарали ташкил этиш, депутат сўрови бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаб, жойларга етказилди.

Сирасини айтганда, парламентнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати ҳудудларда бевосита таъминланишида маҳаллий кенгашлар роли сифат жиҳатидан ортиб бормоқда. Зеро, демократия ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида қарор топиши учун ҳокимиятлар бўлиниши тамойилида ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш жараёни қўйи тизимларда, жойларда таъминланиши керак. Бу борада Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Бошланган ислохотларни давом эттириш, албатта, олдимизга қўйилган олий мақсад ва зғу ғоялардан қўзланган амалий натижа бир бутунлигини таъминлайди. Бу борада ҳуқуқий асос бўлган ҳужжат — Тараққиёт стратегиясида қатор муҳим мақсад ва вазифалар белгиланди. Хусусан, **Халқ депутатлари**

кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш келгуси ислохотларнинг амалий давоми ҳисобланади. Бу борада:

биринчидан, **халқ депутатлари кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш.** Бунда туман ва шаҳар Халқ депутатлари кенгашларида камида 2-3 нафар депутат доимий асосда ишлайдиган тартиб жорий этиш; **иккинчидан**, **Халқ депутатлари кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича масъулиятини кучайтириш.**

Бунда маҳалла муаммоларини доимий ўрганиш ва бартараф этишда маҳаллий депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ичимлик ва оқова суварни, ички йўллар, бошқа инфратузилма объектларини қуриш, бандлик дастурини тасдиқлашни Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари ваколатига ўтказиш, фуқаролар учун очиклигини таъминлаш мақсадида **“Электрон халқ кенгаши депутатлари”** концепциясини ҳаётга изчил таътиб этиш;

учинчидан, **маҳаллаларнинг жойлардаги вакиллик органлари билан, халқ депутатлари кенгашларининг Олий Мажлис Сенати билан, ҳокимликларнинг вазириликлар ва уларнинг ҳудудий бўлиналари билан алоқаларини мустаҳкамлаш;**

тўртинчидан, **маҳаллий кенгашларнинг қотибятлари фаолиятини янада кучайтириш чораларини қўриш кўзда тутилмоқда.**

Шунингдек, **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш**, бу борада:

биринчи, **жойлардаги масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш ва ҳар бир вазифа ижроси, шунингдек, сарфланаётган маблағлар юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш;**

иккинчи, **маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантириш, шу жумладан, ҳокимларни сайлаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратти.** Зеро, Президентимиз 2021 йил 6 ноябрдаги инаугурация маросимидан Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларни сайлаш тизимини ҳар доир режалар ҳақида сўз юритиб: **“Энди кенгашнинг раҳбари ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмаслигини халқимизнинг ўзи айтаяпти. Вақт-соати келди, қонуний масалани ҳам жой-жойига қўямиз. Шундай қилиб, демократик йўналишларда катта пойдевор яратамиз. Агар шу пойдевор бўлса, анчагина ижро органи раҳбарлари ҳам халқ томонидан жиловланади. Халқ деганим — депутатлар томонидан, депутатлар деганим — халқ сайлаган вакиллар томонидан”**, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Шу муносабат билан, туман ва шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли кенгашда энг кўп депутатлик ўрини эгаллаган партия гуруҳи томонидан илгари суриллаган амалиётни йўлга қўйиш, ҳокимликка номзод Халқ депутатлари кенгашида ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилиб, лавозимга тасдиқланадиган тартибни жорий этиш;

учинчи, **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий ижро органларининг штат бирлиги ва тузилмаларини белгилаш амалиётини босқичла-босқич кенгайтириш, ҳудудларда амалга оширилаётган вазифалар бўйича “ваколатлар реестри”ни шакллантириш.**

Бунда ҳудудий ижро идораларининг ваколатлар реестрини шакллантириш, турли ташкилотлар томонидан тақдорланадиган **500 дан ортқ** функцияларни мақбуллаштириш;

тўртинчи, **маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларини кене жорий қилиш, ҳудудларнинг 40 дан ортқ, жумладан, транспорт, инфратузилма, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича маълумотларни жамловчи тахлилий геопорталларини ишга тушириш** келгусида амалга оширилиши муҳим бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Муктасар айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги ўзгаришлар ва бу борадаги келгуси ислохотлар жамият қурилиши ва давлат бошқарувини такомиллаштириш, ваколатларни марказдан ҳудудларга ўтказиш ва соҳалар бўйича самарали ҳамда сифатли таътиб этишнинг изчил давом этириш, пировардида қўзланган мақсадга эришишга доир устувор йўналишларнинг амалий натижадорлигини таъминлашга имкон беради.



Хусниддин КАРИМОВ,
Боғдорчилик ва иссиқхона
хўжалигини
ривожлантириш агентлиги
директори

Президентимизнинг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган эди. Боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларида бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардор ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш агентлигининг асосий вазифаларидан бири саналади.

2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам мева-сабзавот экинлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш билан шугулланувчи, шунингдек, “даладан-растгача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятига қўмаклашиш юзасидан амалга оширишнинг зарур бўлган чора-тадбирлар аниқ белгилан берилган.

Теран ўйлаб қарасак, нима учун соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини аниқлаш қийин эмас. Бу борадаги чора-тадбирлар sanoat тармоқларининг хомашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш

Бугунги кунга келиб аҳоли сони йил сайин ошиб бориши, глобал иқлим ўзгариши, экин ерлари ҳамда сув ресурслари чекланганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини долзарб масалага айлантирди. Авваллари ҳосилдорлик юқори бўлиши учун серунум тупроқ, мўътадил об-ҳаво, ариқларни тўлдириб оқадиган сув талаб қилинган бўлса, ҳозирги давр ҳар қандай иқлим шароити ва ҳар қандай ердан юқори ҳосил олиш чораларини кўришни талаб қилмоқда. Меҳнат ва харажатдан кўра кўпроқ даромад олиш, экспортбоп мева-сабзавотлар етиштиришга бўлган эҳтиёж қишлоқ хўжалиги тармоқлари олдига катта вазифаларни қўймоқда. Боиси, жаҳон бозорларида сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори.

баробарида қўшимча иш ўринлари яратиши билан ҳам аҳамиятли.

ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорлар топиш керак. Бозор бўлмаса,



Қуёш суйган, тупроғи саҳий юрда яшаймиз. Ўлкамизда етиштирилган мева-сабзавотлар тотли ва фойдали. Таркиби инсон саломатлиги учун зарур микроэлементлар ва турли биологик моддалар билан бойлиги жиҳатидан дунёда етакчи. Тан олиш керак, 4-5 йил аввал ҳам бу борадаги экспорт кўрсаткичларимиз паст эди. Маҳсулот мазали ва витаминларга бой бўлиши мумкин, лекин жаҳон бозоридида ҳолат ўрганилмаса, экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни етарли миқдорда етиштириш ўз-ўзидан қийинлашади. Шу жараёни оsonлаштириш учун деҳқон, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлига қўйилиши зарур эди. Кластер тизими бунинг ечими бўлди.

Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда энг муҳим жиҳат — экспорт

экспорт ҳам бўлмайди, соҳада жорий қилинган янги тизимларнинг самараси сезилмайди. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда жаҳон бозори талабини мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ҳудудларда лойиҳа офислари фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда мазкур масканларда фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мева-сабзавотчилик йўналишидаги бизнес режалари, лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича яхлит бир тизим яратилди. Бугун мутахассислар миришкорларга кўчат ва уруғ, минерал ўғитлар етказадди, маслаҳатлар бериб боради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш, қуритиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича 110 та корхонанинг талаблари ўрганилиб, фермер, деҳқон, иссиқхона хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш бўйича фьючерс шартномалар тузишга қўмаклашиш тизими яратилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камида 5 фоизга етказиш белгиланган. Бунинг учун эса масъуллаз зиммасига жорий йилда деҳқончиликда ўсиш суръатини ўртача 6 фоиз ошириш чораларини кўриш ҳамда 25 минг гектарда интенсив боғ ва 50 минг гектарда янги узумзор барпо этиш, бу орқали эса ўртача ҳосилдорликни мевада 84 центнердан 110 центнерга, узумда 120 центнердан 135 центнерга етказиш вазифаси юкланди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида агентлик томонидан 19,5 минг гектар боғ, 21,7 минг гектар узумзор ташкил қилинди, 48,3 миллион туп мевали даракт ва узум кўчати етказиб берилди. Тармоқни ривожлантириш йўлидаги саяёҳаракатлар самараси ўлароқ, охириги 4-5 йилда мева-сабзавот экспортида узумнинг улуши икки баравар кўпайди.

Аслида ҳам узумчилик боғдорчиликнинг сердаромад тармоқларидан бири. Агар бир гектар гаплла майдонида 2 киши ишлаб, ўртача 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирса, узумчиликда 10 нафаргача аҳолини иш билан таъминлаб, ўртача 300 миллион сўмлик маҳсулот етиштириш, қолаверса, қўшилган қиймат яратиш, 25 минг долларлик экспорт қилиш мумкин.

Илм-фан ютуқлари, жаҳоннинг илғор тажрибаси жадал татиқ этилаётганини туфайли тармоқда самарадорлик ортмоқда. Тобора оmmаллашиб бораётган интенсив боғдорчилик ердан унумли фойдаланиб, юқори ҳосил олишда муҳим омил бўлаётир. Мутахассислар фикрича, мазкур усулда анъанавий боғлардагига нисбатан 5-6 баробар кўп ҳосил етиштириш мумкин. Одатий усулда бир гектар майдонга кўпи билан 400 тупгача кўчат қадалади, интенсив боғдорчилик бу кўрсаткични 2,5 минг тупгача етказиш имконини беради.

Аҳоли томорқаларида енгил конструкцияли ихчам иссиқхоналарнинг кенг миқёсда қурилиши нафақат мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, балки аҳолини қўшимча даромад билан таъминлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу бозорларни мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳозир юртимизда 3 минг 148 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳамда тадбиркорлик субъектининг жами 6,2 минг гектарга яқин иссиқхонаси бор, шундан 876 гектар ёки 17 фоизда гидророника усули йўлга қўйилган.

Фаҳр билан айтишимиз мумкин: юртимиз қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик сингари етакчи тармоқларида бой тақриба ва юксак илмий салоҳиятга эга. Соҳа истиқболига қаратилаётган алоҳида эътибор мана шу тақрибани янада ривожлантириб, сердаромад йўналишга айлантиришга асос бўляпти. Мева-сабзавот, узум, полиз ва картошка каби боғ ва дала неъматларини етиштириш ҳажми эса тобора ортиб бормоқда. Маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш баробарида, гипос, узум, ўрик, олхўри, ёнғоқ, қарам каби мева ва сабзавотларни экспорт қилиш бўйича мамлакатимиз дунёда етакчи давлатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллаётгани фикримиз исботи. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистон қиймати 335 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 615,6 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 44 минг тоннага ошган.

Агентлигимиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири сабзавотчиликдир. У ердан самарали фойдаланиш имконини беради. Яъни сабзавотларни дарахтлар ва бошқа тик ўсувчи экинлар билан бирга экиш мумкин. 2022 йил ҳосили учун боғ-ток қатор ораларига 84,1 минг гектар сабзавот, 11,5 гектар полиз, 13,5 минг гектар картошка экилди. Бу, ўз навбатида, сувни тежашга ҳам хизмат қилади. Етиштирилган маҳсулотни сотиш мақсадида қайта ишловчи ва экспорт қилувчилар талаблари асосида 1,5 миллион тонна сабзавот ва полиз маҳсулоти учун буюртмалар шакллантирилди.

Такрорий экин экишнинг аҳамияти катта. Мазкур усулда тупроқ юзаси узлуksиз равишда ўсимлик қоплами билан таъминланади. Шунинг учун ҳам тупроқ жуда қизиб кетмайди. Натижада эса намликнинг йўқолиши, тупроқ шўрланиши ва қуриб қолиши кузатилмайди. Такрорий экинлар экинзор микроклиммин, даланинг фитосанитар ҳолатини, тупроқдаги микробиологик жараёнларни яхшилайдди. Шу жиҳатдан ҳам эртаки экинлар ва гапладан бўшаган майдонларга такрорий экинни оқилона жойлаштириш ҳамда тўлиқ экилишни таъминлаш бўйича тегишли вазифалар белгиланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 61,1 минг гектар майдонга такрорий экинлар экилди.

Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашуви, иқлим шароити, қишлоқ жойларда етарлича меҳнат ресурслари мавжудлиги туфайли мева-сабзавот етиштиришда дунёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча устуnликка эга. Буларнинг барчаси ушбу минтақа давлатларига экспортни бир неча баробар ошириш имконини беради.

Бугун халққор майдонда фаол бўлиш, хорижий мамлакатларнинг илғор амалиётини ўрганиш, халққор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, самарали лойиҳаларни амалга ошириш давр талаби. Шундан келиб чиқиб, агентлигимиз айнан боғдорчилик, уруғчилик, қўчатчилик, сабзавотчилик, иссиқхона хўжалиги бўйича хорижий компаниялар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги (ФАО), Европа Иттифоқининг ASK, АҚШнинг USAID ташкилотлари, шунингдек, Германия, Япония, Испания, Италия каби давлатларнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда соҳа ривожини учун хизмат қиладиган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Агар соҳа ривожланиб, амалиётга замонавий илм-фан ютуқлари, интенсив агротехнологиялар қўлланилаётгани, деҳқон ва боғбонлар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантириб келинаётгани тармоқ учун янги ўфқларни очиб берди. Бу жараёнда паст рентабелли экин майдонлари бошқича-бошқич қисқартирилиб, ўрнида янги боғ-роғлар барпо этилаётгани, сабзавот ва полиз экинлари жойлаштирилаётгани ички ва ташқи бозорни сархил неъматлар билан тўлдиришда қўшимча имкониятлар яратмоқда.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОҚҚЎРҒОН ТАЖРИБАСИ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТГА АСОСЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ РЕЖАСИ

Норбой КАРИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, иқтисод фанлари доктори

Ҳар бир соҳада илм ривожланса, пировард натижада иқтисодий барқарорлик таъминланади. Мазкур жараён муайян кетма-кетликда бажарилиб, режа ёки лойиҳа тузилади, бу, ўз навбатида, қутилган натижага эришиш йўлидаги саяёҳаракатларга йўл очади.

Худди шундай мақсадда Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимларига Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий тарақиётни дастурининг sanoatни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича “йўл харита”сини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Тузилган ишчи гуруҳ тўрт секторга бўлиниб, тумандаги 29 та маҳаллага тайинланган ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир худуднинг мавжуд салоҳияти, драйвер ўсиш нукталари, келгусида амалга ошириладиган лойиҳалар ўрганилди, ташаббускорлари билан бирма-бир муҳокама қилинди.

2022 йилга туман маҳаллий бюджетини 49,4 миллиард сўм даромад, 110,5 миллиард сўм харажат ва 43,8 миллиард сўм трансферт миқдориди тасдиқланган. Бюджет даромадларини оmmиаллаштириш ва трансфертнинг камайитириш учун яна қандай имкониятларни ишга солиш мумкин? Туман

солиқ инспекцияси, молия бўлими ва ер кадастрини тузиш бўлими раҳбар-ходимлари билан ўтказилган бевосита мулоқотлар ва таҳлиллар қўшимча солиққа тортиш базаларини аниқлаш, жумладан, жисмоний шахслардан олинган мол-мулк, ер солиғи тўловчиларини тўлиқ камраб олиш ва тушумлар тушишини таъминлаш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини мониторинг қилиш, ер захираларини аукционга чиқариш, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерни қайтадан кадастрлаш зарурлигини кўрсатди. Бу йўналишлар бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда одамларни иш билан таъминлаш, бирор фаолият турига жалб этишнинг энг самарали йўли уларни касб-хунарга ўқитиш ва малакали мутахассисга айлантиришдир. Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, касб-хунарга, хорижий тил курслари, рақамли технологияларга ўқитиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек,

тадбиркорликка жалб қилиш, фуқароларга психологик ва юридик хизмат кўрсатишда ҳар бир худудда фаолият кўрсатаётган “Ишга марҳамат” мономарказлари муҳим ўрин тутди. Оққўрғондаги мономарказ ҳам давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Ушбу замонавий масканда 20 дан ортиқ касб бўйича ўқув курслари ташкил этилиши белгиланган.

Ишчи гуруҳ томонидан унинг фаолияти ўрганилганда, қатор йўналишдаги ўқув дастурларини қайтадан кўриб чиқиш, хусусан, WEB дастурлаш курсини такомиллаштириш зарурлиги, амалий кўникмаларни шакллантириш, яъни қурилиш кранини бошқариш учун амалиётни пойтахтдаги қурилиш корхонасида ўтказиш механизмини ишлаб чиқиш самара бериши аён бўлди. Шу билан бирга, мономарказда аҳолининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, кондиционер ва музлаткич таъмирловчи усталар тайёрлаш, газон экиш ҳамда ландшафт дизайнини бўйича касбга ўргатуви ўқув курслари ташкил этиш, ўқув сифатини янада яхшилаш учун олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда касблар кесимида малакали етук мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Ишчи гуруҳ туманнинг ижтимоий ҳаёти, ўсиш нукталарини ҳар бир маҳалла кесимида ўрганиб, мавжуд муаммолар ечимлари бўйича тақлифлар тайёрлади. Мисол учун, “Султонобод”, “Тортувли”, “Мустақиллик”, “Хонобод”, “Сувти” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўш турган бино ва иншоотлар туман ҳокимлиги захирасига олинган, лекин улар аукцион орқали ўз эгаларини қанча тез топса, шунча кўп самара келтиради, янги иш ўринлари яратилади. Бунинг учун бу биноларни тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича масъул идора ва ташкилотлар рақобатларини ўз вақтида бажаришлари керак. Бошқа маҳаллалардаги мактаб,

спорт заллари, кўчаларни таъмирлаш талаб этилаётган бўлса, Бирлик маҳалласидаги “Ёшлар боғи” худудида очик ва ёпиқ соғломлаштириш маскани (бассейн) ташкил этиш муаммосини 300 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш, “Ором” дам олиш масканини туман маданият бўлими балансига ўтказиш ва имтиёзли шартларда давлат-шериклик асосида салоҳиятли инвесторга бериш орқали ҳал этиш мумкин бўлади.

Бир қарашда Оққўрғон худуди жиҳатдан кичкина тумандек кўринади. Лекин сайёҳлик салоҳиятига эътибор қаратилса, нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам ўз мавқеига эга бўлиши учун катта

имкониятга эга. Негаки, унинг бағрида шонли тарихимизнинг шавкатли ёдгорликлари ястаниб ётибди.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Шохрухия археологик ёдгорлиги қадимда Банокант деб аталган. Бу қадимий макон милодий I асрлардаёқ мустаҳкам бошқарув тизими, яъни қароргоҳ — арк ва аҳоли яшайдиган қисм — шахрстон сифатида шухрат қозонган. IX-XII асрларда шаҳар ривожланиб, Банокант номи билан тангалар зарб қилинган, кўҳна кент мустақил фаолият юритган. Мўғуллар бошқини даврида вайрон этилгач, орадан бир янги аср вақт ўтиб, Амир Темуз ҳукмронлиги даврида қайта тикланган ва Шохрухия номини олган.

Шохрухия қалъаси тарихини чуқур ва синчковлик билан ўрганиш, археологик қазини ва амалий тадқиқот ишларини жадаллаштириш тақозо этилади. Унинг қадимги шон-шухрати, беназир шавкатини тиклаш ҳудудни улкан туризм платформасига айлантиришга асос бўлади. Худудда жойлашган Шомилқори ва Қонқатепи зиёратгоҳлари негизда эса зиёрат туризмининг ташкил этиш мумкин. Мазкур объектларни тиклаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни вилоят маданий мерос илмий кенгаши экспертизасидан ўтказиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда бу ёдгорликларни университетимизнинг туризм факультети амалиёт базасига айлантириш тақлиф этилди.

Хуллас, университетимиз олимларининг илмий тадқиқотларига таянган ҳолда, Оққўрғон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Натижада 2022-2025 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхати юзага келди. Уларнинг таҳлили туманда қиймати 2 триллион 703 миллиард сўм бўлган 72 та лойиҳа бажарилиши ортидан қарийб 2 мингта иш ўрни яратилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.



ТЕЛЕМЕДИЦИНА ХИЗМАТИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ТИББИЁТИ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

**Бахтинур ХУДАНОВ,
тиббиёт фанлари доктори,**

**Қудратжон ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш
вазирлиги Тошкент вилояти ҳудудий инновацион
ривожланиш бошқармаси бошлиғи**

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига инновацион технологиялар кенг жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Амалиётга татбиқ қилинаётган ана шу технологиялардан бири — телемедицина хизмати.

**Хўш, телемедицина ўзи нима? Унинг тиббиёт
ривожидagi аҳамияти қандай?**

Телемедицина — масофадан туриб тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, тиббиёт ходимларининг телекоммуникация, интернет технологиялари ёрдамида ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиб, тиббий хизмат сифатини ошириш жараёни.

Унинг афзалликлари шундаки, бунда, биринчидан, опис ҳудуддаги беморларга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилса, иккинчидан, масофадан туриб ташхис қўйиш ва даволаш ишларини амалга ошириш мумкин. Бунинг натижасида беморларни телемедицина хизматлари орқали реал вақтда текшириш ва даволаш имкониятлари ошади.

**Ҳаммаси телефон
ихтиросидан кейин
бошланди**

Телемедицина узоқ йиллик тарихга эга. 1879 йилда тиббиёт йўналишидаги "Lancet" илмий журналида чоп этилган мақолада айтилишича, шифокор ёш боланинг йўталани эшитиш учун телефон алоқасидан фойдаланган ва боланинг орасига керакли тавсия берган. Бу телемедицинанинг тарихи Александр Белл телефонни ихтиро қилган даврлардан оқибатда бошланган даволат беради.

Ўтган асрдан бошлаб бутун дунёда қўзғатилган технологик ривожланиш барча соҳалар сингари телемедицина тараққиётига ҳам хизмат қилди. Хусусан, 1948 йилга келиб, АҚШда рентген тасвири 38 километр масофага узатилди. 1950 йилда эса биринчи марта клиникада телемедицина йўлга қўйилди. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошида NASA ва Совет космонавтикасида телемедицина қўлланила бошланди. Унда космонавтларнинг юрак уриш



тезлиги, қон босими каби кўрсаткичларни масофадан туриб қўзатиш имконияти мавжуд эди.

Ўзбекистонда ҳам телемедицина технологияларидан 2000 йилларда фойдаланила бошлади. Хусусан, патологоанатомик текширувлар, биопсия учун олинган тўқималарнинг микроскопик тасвирларини масофага узатиш ва маслаҳат олиш, видеоконференц-цалоқа орқали мутахассислар билан боғланиш асосида илк бор ана шундай хизматлар кўрсатила бошланган эди.

**Ҳам вақт, ҳам нақд
тежаллади**

Телемедицина турли тиббий хизматларни (беморнинг аҳолини кузатиш, маслаҳат бериш, ўқитиш), шунингдек, телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда,

тиббиёт ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини масофадан туриб таъминлашга мўлжалланган.

Телекоммуникация технологияларининг универсаллиги туфайли аҳоли саломатлигини таъминлаш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ихтисослашган тиббий хизматлар, юқори технологияли тиббий ёрдам, шошилинч ва ихтисослашган тез тиббий ёрдам, тиббий реабилитация йўналишларида телемедицинадан фойдаланиш мумкин.

Телемедицина алоқасини ўрнатишда "шифокор-шифокор" ўзаро ҳамкорлиги — шифокорлар ўртасида маълумот алмашиш, шунингдек, тиббий таълим, тиббий хизматлар кўрсатиш соҳалари учун электрон ахборот, интеграцияланган рақамли ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳамда "бемор-шифокор" ўзаро ҳамкорлиги — тиббий тадқиқотлар натижаларини ёки шифокор хулосаларини беморга етказиш, унинг беморга маслаҳат беришини ташкил этиш принциплари мавжуд. Ҳозирги кунда мамлакатимизда "шифокор-шифокор" типидagi телемедицина хизмати йўлга қўйилмоқда.

Телемедицина, асосан, катта шаҳарлардан узоқда яшайдиган аҳоли учун айна муддао. Чунки ҳамманинг ҳам моддий нуқтаи назардан тиббий қўриқдан ўтиш, даволаниш учун катта шаҳарларга бориб-келишига имконияти етмаслиги мумкин. Телемедицина орқали эса бир шифокорнинг иккинчи мутахассис билан ахборот телекоммуникация воситалари ва технологиялар ёрдамида масофадан туриб мулоқот қилиши, тегишли тавсиялар олиши орқали беморларнинг марказий шаҳарларга бориб келишига ҳолат қолмайди. Уша жойнинг ўзида уларга керакли муолажа кўрсатилади.

аҳолини қўзатиб бориш учун телемедицинанинг мазкур туридан фойдаланади.

Мунтазам равишда текширувларга муҳтож бўлган беморларнинг соғлигини назорат қилиш мақсадида узоқдан мониторинг олиб боришни таъминлашда эса телемедицинанинг яна бир тури қўлланилади. Бу ишлаб чиқаришда хавф омиллари юқори бўлган иш жойларидаги ходимларнинг соғлигини назорат қилишда қўл келади.

Шифокорларнинг шошилинч маслаҳат беришини таъминлаш, жарроҳлик операцияларини жонли эфирда тақдим этиш, бу жараёнда шифокорлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножиз қилиши, ёш мутахассислар учун ўқув жараёнини ташкил қилиш ҳамда фикр алмашиш, тиббиёт ходимлари ва талабалар учун масофавий таълимни таъминлаш (онлайн конференциялар ва маърузалар) ҳам ҳам телемедицинадан фойдаланилади.

**Ургут ва Оҳангарон —
телемедицина хизмати
йўлга қўйилган
инновацион туманлар**

Бутун дунёда ривожланишнинг янги босқичига чиқаётган, COVID-19 пандемияси шароитида аҳамияти янада ортиган телемедицина хизматини мамлакатимиз тиббиётида кенг татбиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан саналади.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги "Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманлар рўйхати тасдиқланди. Мазкур ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Самарқанд вилоятининг Ургут, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманлари ҳам ушбу рўйхатга киритилди. Ана шулардан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирли ва вилоятлар ҳокимлари биргаликда тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Самарқанд вилоятининг Ургут ва Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманларида телемедицина хизматини ташкил этиш белгиланган эди. Унга қўра, Инновацион ривожланиш вазирлиги стартап гранти доирасида "Innovative Developers" МЧЖ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда шу йилнинг 10 январидан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида инновацион телемедицина хизмати ташкил этилди. Яқинда мана шундай хизмат Оҳангарон туманида ҳам йўлга қўйилиб, "Telemed Clinic" клиникаси иш бошлади.

Мазкур телемедицина хизматлари бошқа ҳудудлардаги, хусусан, пойтахтимиз ва хориқдаги етакчи тиббиёт марказлари билан алоқа ўрнатган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикани ўз ичига олган телемедицина хизматларини амалга оширмоқда. Ушбу хизматлар интернет тармоғи орқали маълумотларни узатуви, хориқдан келтирилган замонавий ускуналар — электроэнцефалограф, ультратовуш ташхис ускунаси, электрокардиограф, дерматоскоп, отоскоп, стетоскоп билан жиҳозланган. Улар маълумотларни тасвир, видео, аудио ёзув воситасида маслаҳат берувчи мутахассис томонидан интернет тармоғи орқали етказиб бера олади ва консилум ташкил қилиш ёки маслаҳат олишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, туманларда телемедицина хизматининг ташкил этилаётгани, қайси ҳудудда яшайдиган қатъи назар, аҳолининг сифатли ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, касалликларни эрта аниқлаш ва асоратлари ривожланишининг, ортқиқа вақт ва маблаг сарфлашининг олдини олиш, келгусида тиббий туризмнинг ривожланишига ҳамда хориқликларнинг юртимизда даволаниш учун ташриф буюришига, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига хизмат қилади.

Жараён

yuz_official

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

“АҚШда олимлар ҳам, талабалар ҳам Ўзбекистонни яхши билади. Ҳар йили университетимизда талабалар билан Наврўз байрамини нишонлаймиз. Хориқлик талабаларим ўзбек миллий таомларини севиб истеъмол қилади, санъатимиз намуналаридан, шеърларимиздан баҳраманд бўлади. Бу байрамдан бир олам таассурот билан қайтади. Қўшма Штатларда ўзбекистонлик олимлар, ҳамюртларимиз турли соҳаларда ишлайди. Улар ўз фаолияти билан юртимиз салоҳиятини кўрсатиб бермоқда.



БАРЧАМИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ БИР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ

Кузатаётган бўлсангиз, "Янги Ўзбекистон" газетаси саҳифаларида чет элда яшаб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган, Ўзбекистон келажиги учун қайғураётган ватандошларимиз билан суҳбатлар бериб бораёғимиз. Уларнинг орасида турли соҳа эгалари, талаба-ёшлар бор. Бу галги меҳмонимиз АҚШдаги Эмори университети профессори, исломшунос ва шарқшунос олим Раҳимжон АБДУҒОҒУРОВ.

**Наманганда университет
очиш орзусиданман**

Наманганда туғилганман. Катта оиламиз. Мен еттинчи фарзандман. Ёшлигимдан Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур каби Шарқ мутафаккирлари ижодида қизиққанман. Уларнинг асарларини завқ-шавқ билан ўқиганман. Байтлар қаттида яширинган мазмунни илғашга ҳаракат қилганман. Кейинчалик илмий ишим ҳам айнан шу мавзуда бўлди.

1993-1998 йилларда Наманган давлат университетининг шарқшунослик йўналишида таҳсил олдим. 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги

етарли. Аниқсая, ҳозир бу каби олий таълим муассасаларига бўлган талаб ва эҳтиёж юқори. Университет филиалини ўзим туғилиб ўсган Наманган вилоятида очиш ниятидаман. Бу борада дастлабки ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Бундан ташқари, ахборот технологиялари ёки бошқа соҳаларда энг илғор лабораторияларни Ўзбекистонга олиб келишни мақсад қилганмиз. Шу мақсадда энг номдор институт ва етакчи банклар билан ҳамкорликда ишлаш ниятидамиз. Лойиҳаларни амалиётга қаттиқ этиш учун жуда яхши жамоани шакллантирдик. Тақдим этган гоямизга Ўзбекистон томонидан яхши фикрлар билдирилиб, қўллаб-қувватланмоқда.

ривожига биз учун жуда муҳим. Юртдаги англичанлардан, ўзгаришлардан ҳамиша хабардоримиз. Ҳозир ахборот технологиялари ривожланган даврда масофа ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди.

"Ватандошлар" жамоат фонди орқали юртимизда ўтказиладиган турли илмий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирларда мунтазам иштирок этиб келаман. Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури мазмун-моҳиятини халқаро



**Яқин келажакда
хориқликлар бизнинг
университетларда ўқишни
орзу қилади**

Мен кўп йиллар давомида хориқий мамлакатларда тажриба орттирдим. Билгимини, малакамни мустаҳкамладим. Энди уларнинг барчасини ўзим туғилиб ўсган дийёрга йўналтириш, билганларимни ватандошларимга улаштиш вақти келди. Яна бир мақсадим — ўзбек аёлларининг аниқ фанларга қизиқишини орттириш, Америка университети орқали нафақат Урта Осиё, балки бошқа хориқий давлатлардан ҳам талабаларни Ўзбекистонга олиб келиш. Хориқликлар ҳам бизнинг салоҳиятимизни кўрсин, билсин. Сабаби, Ўзбекистон қадимдан Шарқнинг интеллектуал маркази бўлиб келган. Президентимизнинг Учинчи Ренессанс гояси ҳам Ўзбекистонни қайтадан илм марказига айлантиришдир. Бу борада Ўзбекистонда қувват етарли. Давлатимиз раҳбари ташаббуси атрофида барчамиз бирлашсак, яқин келажакда хориқликлар бизнинг университетларда ўқишни орзу қиладиган, Ўзбекистон томон интиладиган, Учинчи Уйғониш даври манзараси билан танишишга иштиёқманд бўлади.

**Юртимиз тараққиёти
учун хориқлик
ватандошларнинг фикри
муҳим экани қувонарли**

Биз ўзбекистонликмиз, Америкада яшасак ҳам уйда она тилимизда мулоқот қиламиз, фарзандларимизга ўзбекона маданият, миллийлигимизни ўргатамиз. Рухимиз, қалбимиз, орзу-умидларимиз она Ватан билан бирга.

Буюк бобокалонларимиз ишларини бутун дунёга инглиз тилида танитиш муҳим вазифаларимиздан бири. Бундан ташқари, Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар, таълим соҳасидаги ўзгаришлар диққат марказимизда. Ўзбекистон тараққиёти,

миқёсда кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган давра суҳбатига онлайн тарзда иштирок этдим.

АҚШда олимлар ҳам, талабалар ҳам Ўзбекистонни яхши билади. Ҳар йили университетимизда талабалар билан Наврўз байрамини нишонлаймиз. Хориқлик талабаларим ўзбек миллий таомларини севиб истеъмол қилади, санъатимиз намуналаридан, шеърларимиздан баҳраманд бўлади. Бу байрамдан бир олам таассурот билан қайтади. Қўшма Штатларда ўзбекистонлик олимлар, ҳамюртларимиз турли соҳаларда ишлайди. Улар ўз фаолияти билан юртимиз салоҳиятини кўрсатиб бермоқда.

**Миллат манфаатидан
устун ҳеч нарса йўқ!**

*Одамий эрсане, демагил одами,
Онқим, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Навоий ҳазратларининг ўшбу машҳур байоти инсонпарварлик ғоясини, ислом гуманизмининг ўзида муҳассам қилган. Бу байтлар орқали Алишер Навоий ўзидан бошқанинг ғамини емаган киши инсонпарварликка эга эмас, деб айтди. Шундай экан, ҳар бир юрдошларимиз Ҳазратнинг ўғитларини аждодлар ҳикматларига риоя қилган ҳолда, қай жойда, қай шароитда бўлмасин, миллат манфаатини унутмаслиги, бошқа мамлакатда Ватани шарафини елкасида қўтариб юрганини ҳис этиши лозим. Дунёнинг турли нукталарида ўз салоҳиятини намойиш қилаётган Ўзбекистон ёшларига айнан шу масъулиятни унутмаган ҳолда, қадам қўйишларини маслаҳат берамиз. Чунки келгуси авлодга порлоқ келажакни қолдиришга айнан улар масъул.

**"Ватандошлар"
жамоат фонди Ахборот
хизмати раҳбари
Уфора ҲАБИБУЛЛАЕВА
ёзиб олди.**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ОНА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

“ҲИСОР”ДА ҚОР ҚОПЛОНИ КЎПАЙМОҚДА

Олисан қараганда булутларга ёндош баланд тоғ чўққилари фақат тошлардан иборатдек кўринади. Бироқ ўзига хос табиати, бетакрор манзаралари, ноёб ҳайвонот дунёси ва сўлим ҳавоси ҳар қандай кишини мафтун этиши табиий. Тошкан Турсунов “Ҳисор” давлат қўриқхонасига назоратчи бўлиб ишга кирганига ўн йилдан ошди. Болалигидан табиат шайдоси бўлган Тошкан ака ўз ишига тезда кўникиб кетди, касбига фидойилик билан ёндашди.

Бугун эса юртимизда табиатни асраш борасида қилинаётган ҳаракатлар ва айнан Тошкан ака каби тажрибали инсонлар меҳнати эвазига қўриқхонада сўнгги йилларда йўқолиб бораётган ноёб ҳайвонлар яна қайта кўпайишига эришилмоқда. Табиатнинг ўзига хос ўсимликлар дунёси асраб келинмоқда.

Музликлар макон топган чўққи

“Ҳисор” давлат қўриқхонаси мамлакатимизнинг жануби-шарқий қисми, Шаҳрисабз, Яқкабоб ва Қамашчи туманлари ҳудудида, Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағирларида, денгиз сатҳидан 1750 метрдан 4366 метргача баландликларда жойлашган. Қўриқхона жануби-шарқда Сурхондарё вилояти билан, шарқда эса Тожикистон билан чегарадош.

— Худудимизда денгиз сатҳидан 4500 метр баландликкача бўлган тоғ чўққилари мавжуд, — дейди “Ҳисор” давлат қўриқхонаси раҳбари Қаҳрамон Нормухаммедов. — Жумладан, Ҳазрати Султон, Хўжа Қиршивар, Биби Улмас, Номсиз каби чўққилар маҳобати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Улардан бирининг тепасига чиқиб кузатсангиз, бетакрор етгита чўққига кўзингиз тушади. Уларнинг деярли бош қисми булутлар орасида бўлади. Номсиз — мамлакатимиздаги энг баланд чўққи ҳисобланади. Бу тоғ тепалигига ҳалигача бирор киши чиқа олмаган. Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 4421 метрни ташкил этиб, музликлардан иборат. Бу ҳудудда Ботирбой номли музликлар мадонни мавжуд бўлиб, умумий майдони 1600 гектарни ташкил этади. Шу жойдан Тўпалангдарё ва Оқсувдарё ўзанлари бошланади. Музликлардан бошланган сув пастликларга оқиб, катта дарёга айланади.

қизил суғур, жайрани учратиш мумкин. Шунингдек, бургут, болтаютар, оқбош қумой, тасқара, Ҳимолай улари, каклик каби бошқа жойларда кам учрайдиган ноёб қушлар ҳам макон курган.

Ўзига хос иқлим ва ирмоқлар

Қўриқхона иқлими тез ўзгарувчан. Куз ва қиш фаслларида кўп ёгингарчилик кузатилади. Май ойидан сентябрга қадар ёгинларнинг камлиги ёки умуман бўлмаслиги ўсимликлар вегетациясига салбий таъсир кўрсатади.

Дарё ирмоқлари бу ернинг табиати доимо яшилликка буркаб туради.



Юқоридagi музликлардан бошланган Оқсув, Танхоз ва Қизилдарё қор, муз, ер ости сувлари ва ёгинлардан шаклланади.

Оқсув дарёсининг асосий ирмоқларидан бири — Тамшуш денгиз сатҳидан 3500 метр баландликда жойлашган Хўжақулбарлос қояларидан бошланади.

Кўкошсой, Зардолисой, Шюрти, Лайлоқча, Майданак, Юртикалон каби 32 та катта-кичик сойлар суви Оқсувга қуйилади.

Худуднинг серсув манбаларидан бири Қизилсув дарёси денгиз сатҳидан 4000-4300 метр баландликда жойлашган Авғойи калон доводидан бошланади. Унинг узунлиги 110 км.ни, сув йиғадиган майдонининг сатҳи эса 650 кв.км. ни ташкил этади. У тоғ чўққиларидаги қорларнинг эриши ҳамда Қизилбулоқ, Қалъасой, Шилхазор, Авғойи калон каби сойлар сувидан ҳосил бўлади.

Ҳисор қўриқхонаси ҳудудида катта-кичик 10 га яқин кўл бор. Жумладан, Ёлонда 3 та, Миракида 3 та, Танхоздарё ҳудудида 3 та кўл мавжуд. Бугунги кунга қадар улар тўлиқ ўрганилмаган, фақатгина кўлларнинг денгиз сатҳидан баландлиги, эни ва бўйи аниқланган, холос.

ни муҳофаза қилиш, ўрганиш қўриқхона ходимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда ҳудудда 970 дан ортиқ турдаги ўсимликлар аниқланган. Улар орасидан камёб ва йўқолиб бораётган 30 турдаги ўсимлик “Қизил китоб”га киритилган. Жумладан, Дилбанд лола, Улғвур лола, Нор ширач, Оқ парли, Сунбўл каврак, Ўзбекистон чиннигули шулар сирасига киради.

Эътироф этиш кераки, “Ҳисор” давлат қўриқхонасидида туризмининг ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлат экология қўмитаси ҳамда БМТ Тарақиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг “Глобал аҳамиятга эга биохилмаҳиллик учун зарур бўлган муҳим тоғли ҳудудларда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва ўрмонларни бошқариш” лойиҳаси доирасида “Ҳисор” давлат қўриқхонаси биноси ёнида “Ташриф маркази” қад ростлади. Шунингдек, ҳудуддаги Мирақ бўлимининг Сувтушар шаршараси атрофида енгил типдаги экотуристтик инфраструктура қуриш учун 5 та дам олиш жойи, 2 та кузатиш майдончаси қурилмоқда.

— Асосан, “Ҳисор”нинг қўриқланмайдиган ва хавфсиз ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди “Ҳисор” давлат қўриқхонаси раҳбари Қ. Нормухаммедов. — Шунингдек, келгусида Ҳазрати Султон зиёратгоҳига ҳам чиқиб боришни ташкил этиш, маҳаллий ва хорижий туристларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу эса келгусида

Ўсимликлар дунёси

Қўриқхона ўсимликлар дунёсига жуда бой. Табиатнинг хилма-хил ўсимликларини янада кўпайтириш ва улар-

одамларни табиат қўйнига ва ўзига хос манзаралардан баҳраманд бўлишига ҳамда шу орқали иш ўринларини яратишга замин ҳозирлайди.

Яқинда “Ташриф маркази”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Иштирокчилар лойиҳа доирасида қўриқхонада бажарилган ишлар билан яқиндан таништи. Марказда қўриқхонанинг гўзал табиати акс эттирилган бурчаклар ташкил этилган. Қизилқушчилар шу ернинг ўзидида қўриқхонанинг умумий кўринишидан таассурот олиши мумкин.

— Ажойиб лойиҳалар тўғрисида қўриқхонамизда экотуризм ривожланмоқда, — дейди “Ҳисор” давлат қўриқхонаси илмий ходими Бехруз Бегалиев. — Шу билан бирга, келажакда янада кенгрок иш олиб боришга режа-дастурлар тузилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника ва Зоология илмий-текшириш институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент аграр университети, Самарқанд давлат университети, Қарши давлат университети ва бошқа илмий салоҳиятга эга муассасалар билан ҳамкорликда илмий изланишлар тизимли йўлга қўйилапти.

Ўзига хос гўзал манзаралари, пурвиқор тоғлари ва баланд чўққилари, такрорланмас ҳайвонот олами ҳамда ранг-баранг ўсимликлар дунёси билан кишини ром этувчи “Ҳисор” давлат қўриқхонаси ходимлари олдиларига қўйган мақсадга эришмоқда. Энг асосийси, табиат мувозанати ўз жойида.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МАДАНИЙ МЕРОС

МЕЪМОРИЙ УСЛУБДАГИ МЕҲМОНХОНА ҳам мозийдан сўзлайди, ҳам завқ беради

Мамлакатимизда рўйхатга олинган тарихий ёдгорликларнинг қарийб 30 фоизга яқини меъморий обидалар бўлиб, улар мамлакатимизни тарихий маданий ёдгорликларга бой ўлкалардан бири сифатида дунёга танитади. Юртимиз мустақилликка эришишдан олдин бу меъморий ёдгорликлар, обидаларнинг аксарияти бузилган, таъмирталаб, ярим вайрона ҳолатда эди.

Сўнгги йилларда ана шундай иншоотлар, ёдгорликларни қайта қуриш, таъмирлаш, асл тарихий асосда бунёд этишга жиҳдий эътибор қаратиляпти. Зеро, уларда гоёта ноёб саналмиш халқ амалий санъати намуналари ўзгача жилпониб, нафақат чет эллик сайёҳлар, балки юрдошларимизни ҳам ҳайратга солади. Бу эса, ўз-ўзидан, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, қолаверса, ички туризмга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда байрамлар муносабати билан эълон қилинаётган дам олиш кўнларида самолёт, поезд чипталарига чегирмалар бериш яхши аънаъага айланиб борапти. Бундан қўзланган мақсад ҳам ички туризмни ривожлантириш, бой маданий меросимиздан халқимизни кенгрок баҳраманд этишдир.

Андижонда ҳам тарихий-меъморий обидалар жуда кўп. Улар орасида Аҳмадбек хожи меҳмонхонаси алоҳида ўрин тутайди. Мажмуа халқ амалий беказ санъатининг сир наққошлик ва ганч ўймакорлиги турлари билан безатилган. Мазкур обиди 1905-1907 йилларда андижонлик сажий инсон, Аҳмадбек хожи Темурбек ўғли бюртмаси билан меҳмонхона ва иш юритиш жойи сифатида бунёд этилган.

Қурилишда ўз даврининг таниқли меъморларидан, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ меъмори даражасига эришган Уста Юсуфали Мусаев (1869-1947 й.), Уста Тошхон ва Уста Яхё ҳамда уларнинг шоғирдлари иштирок этган. Сир наққошлик санъати устаси қўқонлик Саидмаҳмуд Норқўзиев (Ўзбекистон халқ рассоми)нинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Меҳмонхона ўз даврига хос меъморчилик аънавалари уйғунлигига бунёд этилган. Умумий тарҳи “П” шаклида, шимолий томони икки қаватли бўлиб, биринчи қавати пишқи гиштдан, иккинчи қавати синч асосида хом гиштдан қад ростлаган. Шарқий ва жанубий томонлари бир қаватли, хоналар миллий аънаванавий бир даҳлиз ва катта уй кўринишидаги 14 та, яъни 7 жуфт хонадан иборат. Барча қават хоналарининг олдида марказий қисми бироз кўтарилган, яъни кайвонли айвон бунёд этилган бўлиб, бу обиданинг кўриниши учун алоҳида маҳобат касб этади.

Иккинчи қават хона ва айвони ҳамда биринчи қават айвонларининг шифти вассажуфт услубида ёпилган. Меҳмонхонанинг вассажуфт, босма ва осма услублардаги қўш наво ва арроқи сарроф усулида шакл берилган шифтларига Фаргона

водийси наққошлик санъатига хос аънава билан сайқал берилган. Уста Саидмаҳмуд Норқўзиев фаолиятида ўзининг тўлиқ аксини топан бу аънава нақшлари гулларининг хонавор жойлаштирилгани ҳамда умумий кўринишда қизил туснинг тантанаворлиги билан ажралиб туради. Миллий сиркорликда қизил ранг олов, қуёш, умуман, иссиқлик ҳисобланган. Усталар қизил ранг билан меҳмонхонага иссиқлик олиб кирган.

Умумий қизил тусдаги шифтларига яшил, қўқ, зарҳал, пушти, сариқ ва оқ ранглар уйғунлигига, асосан, ўсимликсимон ва геометрик бетакрор нақшлар битилган. Арроқи сарроф юзаларига “сандуқа”, “патнис”, “қўшбанд”, навога “нақши гузаро”, “нақши мутаасил”, тўсинларга “гули битта”, “якрафтор ислимий”, “дурафтор ислимий”, вассаларга “пошшойи”, “ғунча”, “мадохил” нақшлари Фаргона водийси наққошлик мактабига хос руҳиятда адо этилган. Меъморий ёдгорлиқнинг яна бир бадийий қиймати шундаки, болохона шифтидаги сир нақшлар ўз аслида жуда яхши сақланиб қолган. Биз хона безакларидан фақат наққош маҳоратигагина эмас, хона ички безакларининг ўзбек халқ меъморчилигига хос шарқона руҳият намунасига ҳам ғувоҳ бўламиз.

Меҳмонхона шимолий қисмидаги пишқи гиштдан ҳашамдор қилиб қурилган қабулхонага алоҳида эътибор берилган. Ташқи эшик ва дераза атрофлари ҳамда баланд, қўқкам шифтлик, ўзига хос меҳроб ва тоқчалар гўзаллиги билан уйғунлашган ички хоналари ўйма, қолпаки ва қирма услубларда битилган ганчкорлик намуналарида қўҳна ва аънаванавий хусу-



сиятлари билан бирга XIX аср охири ва XX аср бошлари меъморчилигига хос бўлган “Эклектика”, яъни шарқ ва ғарб санъати уйғунлигини кузатиш мумкин. Уймакор нақшларнинг асоси, гули ва бандларига яшил, қизил, пушти, қўқ ва зарҳал ранглар уйғунлигига сайқал берилган. Биринчи ва иккинчи қават айвон деворларининг юқори қисмига икки қатор безамин ўйма ҳоршия нақши, унинг остидан асоси қўқ қирма услубда “чор калит” ва “чор барг” ислимий нақшлари ва пастки изора (панел) қисмида қирма услубдаги геометрик ганчкорлик нақш намуналари кўзга ташланади.

Мазкур меҳмонхона Аҳмадбек хожининг ташқи ҳовлиси бўлиб, қутиш залининг ғарбий томонидан ичкарига ўтувчи махсус йўл қилинган. Залининг ғарбий томонида миллий услубда қурилиб, “шол-ғоми” ва “чор қирра” гумбазлари билан

ёпилган мўъжазгина ҳаммом бунёд этилган. Кичик ҳажмдаги бундай ҳаммомлар қадимдан қарвонсарой ва меҳмонхона каби жамоатчилик биноларининг таркибий қисми ҳисобланган. Ҳаммом гумбазлик бинолар, хусусан, ўзбек миллий аънаванавий ҳаммомчилиги бўйича ўзига хос мактаб яратган Уста Юсуфали Мусаев ижодидан намуна сифатида сақланмоқда.

Аҳмадбек хожи халқ орасида диёнатли, халқпарвар инсон сифатида обрў қозонган. У меҳмонхонадан ташқари Андижонда иккита масжид қурдирган. Ҳожи ота 90 йилга яқин умр қўриб, инқилобдан кейинги ҳаётини Қашқарда ўз ҳурмати, обрў ва эътиборини сақлаган ҳолда ўтказган бўлса-да, Андижонга қайтиш умиди чексиз армонга айланган. Аҳмадбек хожининг набираси, истеъдодли ўзбек ёзувчиси Ёкубек Яқвалхўжаев “Қайтар дунё” романида

ўз бобоси ҳаёти ҳақида батафсил маълумот беради.

Меҳмонхонанинг ғарбий томонида Андижон шаҳрининг Хакан ҳамда Жалабек ҳудудидаги бузилиб кетаётган ва XIX аср охири, XX аср бошларига оид икки масжиднинг нақшинкор шифт қисми кўчириб келиниб, айвон шаклида қайта тикланган.

1920 йилларда обидадан ўрта мактаб ва саводсизликни тугатиш курслари сифатида фойдаланиб келинган. Уруш йилларида эвакуация қилинган аҳолига бошпана, кейинчалик қишлоқ ҳўжалик билим юрти ўқувчилари учун ётоқхона вазифасини ўтаган.

1970-1975 йилларда Андижон махсус таъмирлаш устанонаси томонидан олиб борилган таъмирлаш ишларидан сўнг, вилоят ўлкашунослик музейининг тасвирий ва амалий санъат бўлимлари ташкил этилган.

1983 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан Республика миқёсидаги маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоят Мусулмонлар идораси ҳамда “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, 2009 йилдан вилоят хунармандлар уюмаси бошқармасининг идораси сифатида фойдаланилади.

Ҳозирги кунда обидада мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмакда.

Халқаро сайёҳлик йўналишига киритилган ушбу меъморий обидида вилоятдаги маданий меросимизнинг бетакрор намуналаридан бўлиб, юртимизга келаётган хорижий сайёҳларни миллий меъморчилик санъати билан амалий таништириш баробарида, аҳоли ва, айниқса, келгуси авлодни она диёримизга, унинг бебаҳо меросига муҳаббат руҳида тарбиялаш учун хизмат қиладиган мўътабар даргоҳ сифатида қадрлаб келинмоқда.

Авазбек ПОЗИЛЖОНОВ,
Фаргона давлат университети магистри

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-764.
82285 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқуни — 03:10 Топширилди — 05:00